
PhD Наврузбек Шавкатов

**ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА
ХУСУСИЙ ИНВЕСТИОРЛАР ИШТРОКИНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация. Мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллардан бири сифатида транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг молиялаштирилишида етарлича молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида инфратузилма объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий инвестицияларнинг салмоғининг камлиги ва замонавий технологияларни жалб этиш даражасининг пастлиги асосий муаоммолардан ҳисобланади. Мақолада давлат-хусусий шериклик орқали ижтимоий инфратузилмани молиялаштиришда хусусий инвесторлар иштирокини ошириш масалалари ва аҳамияти, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар, бундай муносабатларни ривожлантириш борасидаги хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар. Давлат-хусусий шериклиги, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, хусусий инвестициялар, хусусий шерик

**ISSUES OF INCREASING THE PARTICIPATION OF PRIVATE
INVESTORS IN SOCIAL INFRASTRUCTURE FINANCING**

Abstract. As one of the main factors that can hinder the economic growth of countries is the lack of sufficient financial resources in the financing of infrastructure sectors such as transport, energy, and communal services. Also, the low weight of private investments and the low level of involvement of modern technologies for the implementation of the necessary investment projects for the development and modernization of infrastructure facilities in economic sectors are among the main problems. In the article, issues and importance of increasing the participation of private investors in the financing of social infrastructure through public-private partnership, mutual economic relations between them, conclusions on the development of such relations, practical suggestions and recommendations are developed.

Keywords. Public-private partnership, infrastructure project financing, private investment, private partner

Кириш

Иқтисодий интеграциялашув жараёнида давлат ва хусусий бизнес субъектлари ўртасида молиявий муносабатлар тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Дунё аҳолисининг ортиб бориши мамлакатларнинг инфратузилмага бўлган эҳтиёжининг ўсиши ва натижада давлатларнинг хусусий сектор билан ҳамкорлиги доираси кенгайиши табиий жараёнлар ҳисобланади. «Инфратузилмага инвестициялар кўлами бўйича 2021 йилда Хитойда 150 та лойиҳа учун 28.3 млрд. АҚШ доллари, Бразилияда 50 та лойиҳага 19.4 млрд. АҚШ доллари, Ҳиндистонда 20 та лойиҳа учун 5.6 млрд. АҚШ доллари, йўналтирилган, ва ушбу давлатларда инфратузилмага инвестицияларда хусусий сектор улуши ярмидан кўпроқни этган»[1]. Мазкур жиҳатлар давлат-хусусий шериклик (Public-Private Partnership) муносабатларини ривожлантириш зарурлигини глобал ва минтақавий миқёсларда намоён этмоқда.

Жаҳонда мамлакатлар инфратузилмасини хусусий сектор маблағлари орқали молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик амалиётида хусусий инвесторлар билан молиявий муносабатларни такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлат-хусусий шерикликда қўлланилиши мумкин бўлган молиявий инструментларни диверсификациялаш, хусусий инвесторларнинг инфратузилмани молиялаштиришини харажатларни бир қисмини қоплаш орқали рағбатлантириш ва субсидиялар бериш воситасида манфаатдорлигини ошириш, мулкӣ ва қарз муносабатларида шерикларнинг позицияларини белгилаш, давлат кафолатларини кенгайтириш, молиявий рискларни адолатли тақсимлаш, давлат-хусусий шериклик муносабатларининг иқтисодийёт тараққиётига таъсир даражаси етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги каби масалалар ўз илмий ечимини топмасдан қолмоқда.

Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика, транспорт, ахборот коммуникация технологиялари каби соҳаларни ривожлантириш долзарб бўлиб турган айни вақтда давлат-хусусий шериклик муносабатлари, ижтимоий муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш борасидаги ислохотларга қарамасдан, соҳага хусусий сектор маблағларини йўналтириш даражаси пастлигича қолмоқда. Айни шундай шароитда жорий йилда «давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш»[2] да давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини замонавий шаклларда ташкил этиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий

шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Бу эса давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларни кенг амалга ошириш заруриятини белгилайди.

Адабиётлар шарҳи

Дунёда жамият хавфсизлиги ва ривожланишини таъминлаш жараёни тобора янги манфаатдор томонларнинг иштирокини талаб қилиб боради. Шу билан бирга, хусусий секторни, нодавлат ташкилотларни янги манфаатдор томонлар сифатида жалб қилиш имконияти корпоратив ижтимоий жавобгарлик тушунчасини янги истиқболли жиҳатини тавсифлайди.[3]

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича кенг камровли адабиётларни ўрганилиши ва таҳлиллар қилиниши натижасида, махсус лойиҳалаштириш компанияси ташкил этиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши ва бунда шартномаларнинг ҳуқуқий ва молиявий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилиши муҳимдир.[4] Маълумки, жаҳон инфратузилмасини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикликнинг жуда кўплаб моделлари мавжуд ва бу моделларда қўлланиладиган асосий бошқарув тизимларидан бири бу махсус лойиҳа компанияси (SPV) тузиш орқали давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдир. [5]

Хусусий сектор узок муддатли давлат-хусусий шериклик муносабатларида ўзи учун рискларни минималлаштиришга эътибор қаратади ва бунда SPV маъқул йўл ҳисобланади.[6] SPVнинг мувофақияти таъсисчи компанияларининг ресурслари ва имкониятларига, рақобатбардош молиявий ва техник портфелни шакллантира олиш қобилиятига ва таклиф этилаётган лойиҳа иштирокчиларнинг шериклик маҳоратига боғлиқ бўлади.[7]

Маълумки, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишда асосий ички манбалар бу энг аввало давлат ва шу мамлакатда фаолият юритаётган хусусий бизнес субъектлари ҳисобланади. Шу учун ҳам иқтисодчи олимларнинг таъкидларига кўра, давлат билан хусусий секторнинг хўжалик юритишдаги ҳамкорлиги - бу кенг камровдаги фаолият соҳаларида ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган институционал ва ташкилий ҳамкорликдир. Жамиятдаги очлик, қашшоқлик, ижтимоий нотенглик каби муаммолар қисқа муддатда ҳал қилиш имконинг мавжуд эмаслиги туфайли давлат ва хусусий сектор орқали шериклиги орқали узок муддатли инвестицион ва бошқарув стратегияларни амалга

ошириш орқали мамлакатда юқори ижтимоий қиймат яратилиши мумкин¹. Давлат-хусусий шериклиги - бу илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади.

“Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб етарлича бўлмаган ёки етарлича ишламайдиган инфратузилма юзага келтираётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳукуматлар ва бизнес томонидан ечилиши давр талаби бўлмоқда”². Шу жиҳатдан, Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллар транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг етарлича ривожланмаганлиги, ҳамда ушбу тармоқларда инфратузилма объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг етишмаслиги ва замонавий технологияларни жалб этиш даражасининг пастлиги асосий муаммолардан ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда дунё амалиётида энг самарали усуллардан бири давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат-хусусий шериклиги мамлакат ва ҳудудий миқёсдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг самарали воситаси бўлиб, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан назоратни ушлаб туриш ва хусусий сектор билан самарали иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга маблағлар жалб қилиш ва амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклик асосидаги инвестицион лойиҳаларда хусусий сектор давлат томонидан белгиланган шартлар ва талаблар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқариш вазифаларини амалга оширади. Инфратузилмани ривожлантиришда хусусий сектор маблағларидан

¹Howard W. Buffet and William B. Eimicke. Social value investing: a management framework for effective partnerships, Columbia University Press, 2018

² Atamurodov T., Hamroyev B. Xususiy tarmoq va davlat hamkorligi. Monografiya, Toshkent moliya instituti. –T.: —Iqtisod-Moliya, 2013. - 96 b.

фойдаланиш иқтисодиёти ривожланаётган давлатлар учун жуда катта аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқотларга кўра иқтисодиётга хусусий сектор томонидан қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ошиши иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар учун ЯИМ сезиларли даражада ошишига хизмат қилади. Хусусий сектор маблағларидан фойдаланган ҳолда инфратузилмани яхшилаш ривожланаётган давлат иқтисодий тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан биридир. Инфратузилма етарли даражада шаклланмаганлиги иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади, аҳоли учун кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади ва тадбиркорлик фаолияти жадъаллигини пасайтиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда давлат-хусусий шериклиги асосида дунё амалиётида мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи инфратузилмаларга инвестициялар ҳажми йилдан йилга ўсиш суратларини қайд этиб, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 12.3 фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда дунё бўйича ЯИМнинг ўртача 3.2 фоизи айнан инфратузилма инвестицияларига тўғри келганлигини қайд этиш мумкин. Инфратузилмага инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажмига кўра Европа ва Америка қитъалари етакчилик қилади ва ушбу минтақаларда яратилаётган ЯИМнинг 2 фоизи атрофида айнан инфратузилмани ривожлантириш учун сарфланмоқда. Африкада эса ЯИМга нисбатан 5 фоиздан кўпроқ инфратузилмага инвестициялар ажратилаётган бўлса-да, аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуш бошқаларга нисбатан камроқни ташкил этмоқда. 2021-йилда Дунё мамлакатларида инфратузилмага қилинган инвестициялар ҳажми 2710.7 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 7 фоизга яқини хусусий сектор маблағларига тўғри келмоқда. Ушбу даврда Осиё минтақасида 1551.1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инфратузилмага харажатлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг 3 фоизгина қисмини хусусий инвестициялар ташкил қилган. Европа ва Америка қитъаларида сарфланган инфратузилма инвестицияларини 13 фоизга яқини эса бевосита хусусий сектор маблағларини ташкил қилган (1-расм).



1-расм. 2022 йилда минтақаларда инфратузилмага инвестициялар миқдори, млрд. АҚШ долларида³

Дунё амалиётида, айниқса, ривожланган давлатларда инфратузилмага инвестицияларини хусусий сектор иштирокида амалга ошириш яхши анъанага айланган. Хусусан, Дунё бўйича 2021 йилда инфратузилмага 2761.4 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилиши прогноз қилинмоқда. Бу кўрсаткич эса 2040-йилга бориб 42 фоизга ўсиб, 3812.6 млрд. АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инфратузилма бозорларни тадқиқ этувчи The Global Infrastructure Hub ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра 2030 йилга бориб инфратузилмага инвестициялар ҳажми 2020 йилга қарганда 26 фоизга кўпроқ ёки 3260.3 млрд. АҚШ доллари малағлар йўналтирилиши айтилмоқда. Ёки 2040 йилда бу кўрсаткич 3812,6 млрд. АҚШ долларига чиқиши прогноз қилинмоқда (1-жадвал).

Инфратузилма учун дунё бўйича бунча катта маблағ сарфланишига қарамасдан бугунга келиб дунёда бевосита инфратузилма учун маблағларнинг етишмовчилиги мавжуддир. Хусусан, бу кўрсаткич 2019 йилда дунё бўйича 427 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. 2040 йилгача эса бутун дунё учун қилиниши назарда тутилган инвестициялардан ташқари яна 14 триллион АҚШ доллари маблағга эҳтиёж бўлиши кутилмоқда. Давлат-хусусий шериклиги - жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга ва ривожланиши суёт бўлган тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлат

³ <https://rosinfra.ru/digest/investment> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ёки маҳаллий ҳокимияти ва хусусий сектор ўртасидаги қонуний ва институционал муносабатлар тизимидир. Ушбу тизимнинг асослари тенг ҳуқуқлилик, оқилона ҳамкорлик, рискларни ва даромадларни адолатли тақсимлаш, давлат ва хусусий секторнинг саъй-ҳаракатлари бирлашувига асосланган бўлади.

1-жадвал

2021-2040 йилларда Дунё бўйича инфратузилмани ривожлантиришга зарур бўлган инвестициялар ҳажми прогнози, млрд. АҚШ долларида⁴

Минтақалар	2022	2025	2030	2035	2040
Дунё бўйича	2761.4	2979.5	3260.3	3543.7	3812.6
<i>шундан:</i>					
Осиё	1590.6	1738.8	1920.1	2106.2	2287.4
Шимолий ва Жанубий Америка	496.02	524.6	563.1	601.5	633.9
Европа	469.5	489.5	522.8	554.3	582.6
Африка	144.8	160.7	181.8	202.3	222.8

Бир кишига тўғри келувчи инфратузилмага хусусий инвестициялар ҳажми бўйича энг катта улуш Австралия ва Канадага тўғри келади. Бу борада энг паст кўрсаткич Хитой ва Аргентинага тўғри келмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига, Хитойни қўшиб ҳисоблаганда, 2016-2030 йиллар оралиғида глобал инфратузилма эҳтиёжлари учун маблағларини 60 фоизи тўғри келади. Шунингдек, ривожланаётган Осиё мамлакатлари учун 2016-2030 йилларда инфратузилмани ривожлантириш учун 26 триллион АҚШ долларида миқдорида маблағлар керак бўлади⁵.

Дунё амалиётида мавжуд хусусий инвесторни давлат-хусусий шериклик лойиҳасига жалб этишда минимал даромадлиликни кафолатлашининг бир кўриниши сифатида бюджетдан хусусий шерик учун тўланиши режалаштирилган тўловларни киритиш мумкин.

Давлат-хусусий шериклиги муносабатларига хусусий секторни жалб этишда ислом молияси инструментларидан бири сукук (ислом облигациялари)ни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Таркибий жihatдан сукукларни давлат-хусусий шериклик механизмларига хусусий сектор маблағларини жалб этиш воситаси сифатида қараш мумкин. Хусусий

⁴ <https://rosinfra.ru/digest/investment> - сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁵ Mobilizing Islamic finance for infrastructure public-private partnerships. World Bank Publications, The World Bank Group, 1818 H Street NW, Washington, DC 20433, USA; fax: 202-522-2625; e-mail: pubrights@worldbank.org.2017. p-10.

инвестицияларни инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш хусусий инвестор учун рисклар даражасини ошириши мумкин, шунинг учун инвестор лойиҳа даромадлигини ва мавжуд рискларни тўлақонли ўрганибгина инвестициялаши мумкин. Айнан шу жиҳатлар давлат-хусусий шериклиги муносабатларига хусусий инвесторнинг қўшилишига салбий омил сифатида баҳоланади. Лойиҳанинг узоқ муддатли ва молиявий рисклари юқори бўлиши - хусусий инвесторнинг лойиҳа учун кафолатли шартларда қўшилишга мойиллигини оширади. Бундай ҳолларда сукудан фойдаланиш аҳолисининг катта қисмини мусулмонлар ташкил этадиган давлатларда хусусий инвесторни давлат-хусусий шериклигига жалб этиш воситаларидан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин бўлади.

Махсус лойиҳалаштириш компанияси (SPV) орқали амалга оширилувчи бу молиявий инструмент давлат-хусусий шериклик механизмларига мос тушиши билан аҳамиятлидир. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига Ислом инвесторларини жалб этишда ва иккинчи томондан ҳукуматнинг инфратузилмани хусусий инвестор маблағларидан фойдаланган ҳолда молиялаштиришда сукук инструменти орқали молиялаштириш давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини инновацион механизми деб аташимиз мумкин. Ташкил этувчи давлат шериги ва сукукларни ўзида сақловчи инвесторларнинг иқтисодий ва молиявий ресурслари махсус лойиҳалаштириш компания(SPV)ларида бирлашадилар. Дунё амалиётида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида ҳукуматлар институционал инвесторларни жалб этишда сукук ислом молиявий инструментида фойдаланишади. Бунда сукук маълум бир актив асосида эмиссияланиб, белгиланган даромад манбасига эга бўлганлиги туфайли, инвестор сукук сертификатини молия бозорида эркин сотиши мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукуматлар давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилмани молиялаштиришда сукук молиявий инструментида мурожаат этмоқдалар. Сукукнинг одатий инфратузилма облигацияларидан фарқли томонлар мавжуд. Инфратузилма облигациялари қарз муносабатларини акс эттириб, фоизли даромадларга асосланади. Сукуклар мулкӣ муносабатни шакллантириб, инвестор даромадга ҳам зарарга ҳам шерик бўлади. Шу маънода сукук инвесторлари учун даромадлилик кафолатланмаган бўлади. Бироқ, амалиётда ҳукуматлар сукук учун даромадларни кафолатлашади ва натижада сукук бозорда харидоргир инструментга айланиши мумкин.[10]

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини сукук орқали молиялаштиришнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамыз:

а. Давлат шериги учун:

-кредит инструментларига қараганда нисбатан арзонроқ капитал жалб этиш имконияти. Капитал бозоридан маблағ жалб этиш аввало рисклилик даражаси билан боғлиқ ҳисобланади. Рисклилик даражаси юқори бўлган капитал учун албатта юқори даражада эмитент харажатлари ҳам мавжуд бўлади. Айнан сукук ислом қимматли қоғозларининг рисклилик даражаси бошқа қимматли қоғозларга нисбатан пастроқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг капитал баҳоси ҳам пропорционал равишда бўлади;

-капитал бозорига ликвидлиги паст бўлган активларни бозорда ликвидли ва тез айланувчан активларга айлантириш. Бўш турган давлат активларини сукуклар орқали сотиш амалиёти ушбу активларни ликвидлигини ошириши ва капитал бозоридаги иштирокини таъминлайди;

-активларни диверсификациялаш имконини беради. Бундай молиялаштириш амалиёти давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришнинг банк кредитлари ва молиявий институтлардан олинадиган бошқа манбаларга муқобил молиялаштириш манбаси ҳисобланади;

-ижтимоий самарадорлик. Сукук давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш инструменти сифатида, давлат томонидан хусусий сектор маблағлари ҳисобидан таъминланган инфратузилмага ва аҳолининг яхши яшаш тарзига эга бўлади;

-капитал бозорини, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш аҳамияти. Капитал бозорида ликвидли активлар ҳажми ошади.

б. Хусусий шерик учун:

- юқори сифатли инвестициялаш. Сукук ислом давлатларида юқори кредит рейтинги бўйича давлат қимматли қоғозлари даражасида турувчи ислом молияси инструменти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошқа қарз муносабатларини ифодаловчи инструментлардан устунликка эга ҳисобланади;

- яхши риск-даромадлилик муносабатлари. Даромад-риск тақсимои муносабатлар сукук асосини ташкил этиши, инвестор ва эмитент ҳуқуқларни тенглигини таъминлашга хизмат қилади;

- диверсификациялаш. Хусусий инвестор давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришда активларини диверсификациялаш имкони бўлади;

- ликвидлилик. Хусусий инвестор портфелнинг ликвидлигини таъминлашнинг яхши усулларида бири сукук инвестицияларидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига сукук молиявий инструменти орқали хусусий инвестор жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш,

амалиётда жорий этиш давлат-хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштиришнинг алоҳида бир омили сифатида аҳамият касб этади. Аввало, бундай молиявий муносабатлар учун норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш, ишлаш механизмларини белгилаш, хусусий инвесторларга тадбиқ этиш, фойдаланилмаётган давлат активларини хусусий инвестор учун давлат-хусусий шериклигига йўналтиришда, пировордида, инфратузилмани бизнес сектори маблағларидан яхшилаш, ўз навбатида халқаро молия институтлари, хусусан, Ислом молия институтларидан манзилли бўлган лойиҳалар учун инвестициялар жалб этишда муҳим рол ўйнайди.

Хулоса

Давлат-хусусий шерикликда минимал даромадлиликнинг кафолатланиши лойиҳаларни амалга оширишда хусусий инвесторлар учун стимулга эга бўлиш, лойиҳаларда иштирок этиш орқали ҳар қандай вазиятда ҳам камида минимал даражада даромадга эришиш ҳамда уларнинг лойиҳада иштирок этишга бўлган қизиқишларини ошириш кабиларни таъминлашга хизмат қилади;

Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг ташкил этилиши ҳар қандай молиявий ресурслар чекланган шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қулай муҳит яратилишига хизмат қилади;

инфратузилма облигациялари ва сукук ислом қимматли қоғозлари орқали молиялаштириш тизимининг жорий этилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий ва институционал инвесторлар иштироки ҳажмининг ортишига имкон беради.

Шунингдек, иқтисодиётининг бугунги шароитида давлат-хусусий шериклик асосидаги инфратузилма лойиҳалари учун хусусий инвестицияларни йўналтириш ва хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар ва имкониятлар яратиш ҳамда устувор йўналишларни белгилаш, ижтимоий лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб этишнинг оптимал механизмларини жорий этиш йўллари илмий тадқиқ этишга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Давлат-хусусий шериклигини фақатгина ижтимоий-маданий соҳа ҳамда инфратузилмани ривожлантириш даражасини белгиловчи оми сифатида эмас, балки, мамлакат иқтисодиётини ривожланишини янги босқичга олиб чиқадиган алоҳида дастаклардан бири сифатида эътироф этиш лозимдир. Яқин келажакда давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш бўйича лойиҳалар базасини яратиш ва очик, реал маълумотлар билан шакллантириб бориш ва мунтазам таҳлил этиб бориш, давлат-хусусий

шериклик лойиҳалари учун тренинг тизимини яратиш, инфратузилмани ва ижтимоий соҳани кўшимча ривожлантириш борасида изчил ишларни белгилаш, энг муҳими, хусусий шерикни танлашда шаффоф ва адолатли тизим ишлаб чиқиш лозимдир.

Давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатлар ва уларнинг самарадорлигини таҳлил этиш доирасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- давлат-хусусий шерикликда молия бозори инструментлари, жумладан, қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлардан фойдаланиш лойиҳалар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади;

- давлат-хусусий шерикликда минимал даромадлиликнинг кафолатланиши лойиҳаларни амалга оширишда хусусий инвесторлар учун стимулга эга бўлиш, лойиҳаларда иштирок этиш орқали ҳар қандай вазиятда ҳам камида минимал даражада даромадга эришиш ҳамда уларнинг лойиҳада иштирок этишга бўлган қизиқишларини ошириш кабиларни таъминлашга хизмат қилади;

- давлат-хусусий шериклик муносабатларини тўғри ташкил этиш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш, мамлакатда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш имконияти яратилади;

- давлат-хусусий шериклик фаолиятини давлат ва хусусий сектор(бизнес)нинг молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларини бирлаштириш жараёнида иштирокчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни адолатли тақсимлаш, уларни камайитириш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали самарали ташкил этилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Private Participation in Infrastructure (PPI), The World Bank annual report, 2019. <https://ppi.worldbank.org/content/dam/PPI/documents/private-participation-infrastructure-annual-2019-report.pdf>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

3. Angela O., Camelia I. Social Responsibility in Public Services Organizations The case of Tîrgu-Mures Penitentiary, Procedia Economics and Finance doi:10.1016/S2212-5671(12)00226-2 www.sciencedirect.com

4. Davis, H. A. 2003. Project Finance: Practical Case Studies. Vol. 1. Euromoney Books. London, United Kingdom.

5. Tiong, R. L. K.; Alum, J. 1997. Evaluation of proposals for BOT projects, *International Journal of Project Management* 15(2): 67–72. [http://dx.doi.org/10.1016/S0263-7863\(96\)00003-8](http://dx.doi.org/10.1016/S0263-7863(96)00003-8), www.scopus.com
6. Zhang, X. 2004. Concessionaire selection: methods and criteria, *Journal of Construction Engineering and Management* 130(2): 235–244. [http://dx.doi.org/10.1061/\(ASCE\)0733-9364\(2004\)130:2\(235\)](http://dx.doi.org/10.1061/(ASCE)0733-9364(2004)130:2(235))
7. Zhang, W. R.; Wang, S. Q.; Tiong, R. L. K.; Ting, S. K.; Ashley, D. 1998. Risk management of Shanghai's privately financed Yan'an Donglu tunnels, *Engineering, Construction and Architectural Management* 5(4): 399–409. <http://dx.doi.org/10.1108/eb021092>
8. Tristano Sainati, Giorgio Locatelli, Nigel Smith, Naomi Brookes, Graham Olver,. Types and functions of special purpose vehicles in infrastructure megaprojects, *International Journal of Project Management*, Volume 38, Issue 5, 2020, Pages 243-255, ISSN 0263-7863, <https://doi.org/10.1016/j.ijproman.2020.05.002>. (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S026378632030034X>)
9. T. Ahola, I. Ruuska, K. Artto, J. Kujala What is project governance and what are its origins? *International Journal of Project Management*, 32 (2014), pp. 1321-1332 <https://doi.org/10.1016/j.ijproman.2013.09.005>
10. Abdelkafi, Rami & BEDOUI, Housseem eddine.. Challenges in Infrastructure Financing Through Sukuk Issuance. 10.13140/RG.2.2.22554.64963. November 2016 DOI: [10.13140/RG.2.2.22554.64963](https://doi.org/10.13140/RG.2.2.22554.64963)